

Ўзбекистонда илк мартаба «HAJJ UMRAN EXPO 2023» кўргазма савдоси ўтказилади



16:24 / 13.06.2023 2133

2023 йил 17-18 июль кунлари Тошкентдаги «Ўзэкспомарказ» миллий кўргазмалар мажмуасида «HAJJ UMRAN EXPO 2023» кўргазмали тадбири бўлиб ўтади.

Кўргазмада Саудия Арабистони ва Араб кўрфазида фаолият олиб бораётган барча йирик сайёҳлик компаниялар, авиакомпаниялар ва меҳмонхоналар вакиллари иштирок этади.

Унда Россия, Марказий Осиё ва бошқа мамлакатлардаги 100 дан ортиқ умра сайёҳлик агентликлари қатнашади.